

**ПРОФИЛАКТИКА ИНЕСПЕКТОРИНИНГ "МАХАЛЛАБАЙ" ва "ФУҚАРОБАЙ"  
ИШЛАШ ФАОЛЛИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Бакдурдиев Рўздатбой Фарход ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Хуқуқбузарликлар*

*Профилактикаси Йўналиши 306 - гуруҳ курсанти*

Ҳозирда мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар бевосита ички ишлар органларига ҳам тааллуқли бўлиб, жамиятда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар қандай кўринишдаги тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли гаровига айлантириш бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади қилиб белгиланди. Мазкур ислохотлардан кўзланган мақсад, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш асосий вазифаси этиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 12 февраль куни маҳалла тизимини такомиллаштириш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифи давомида муттасади раҳбарларга аҳолини бандлигини таъминлаш, турмуш тарзини яхшилаш бўйича берган топшириқларидан келиб чиққан ҳолда маҳаллаларда "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"га киритилган фуқаролар билан ишлашда янги тизимни жорий этиш зарурлигини таъкидлаган эди. Маҳаллаларда "Маҳаллабай", "Оилабай" ва "фуқаробай" ишлаш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб ўтган, бундан келиб чиқиб, маҳалла дунёдаги давлат бошқаруви соҳасида чинакам ҳалқчил, давлатимизнинг бетакрор шаклдаги ўзига хос миллий ҳарактерга эга бўлган ноёб тузилмаси эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замонавий талаблари маҳаллалар томонидан амалга оширилаётган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш учун тизимни такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шунга кўра, маҳалланинг фуқаролар ҳаёти ва тақдиридаги улкан аҳамияти ортиб бормоқда. Бугунги кунда маҳалла жамиятдаги ободлик ва фаровонлик, тинчлик ва барқарорлик, хавфсизлик ва тараққиёт, маънавий комилликка жавоб берадиган, шунингдек тарғибот маркази бўлиши тақозо этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: "Маҳалла ҳалқ билан давлат ўртасидаги кўприк бўлиши керак. Одамларнинг қувончу-ташвишидан доимо хабардор бўлиш маҳалланинг асосий вазифасидир".

Дархақиқат, Президентимиз ташаббуслари билан мамлакатда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида моддий ёрдам ва кўмакка мухтож оилалар рўйхатини шакллантириш мақсадида «Темир дафтар» тузилган эди. Бу борадаги ишларни янада тизимлаштириш учун туман, шаҳар ва вилоятлар кесимида «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» ушбу дафтарларга киритилган ҳар бир фуқаро билан "фуқаробай" ишланса ўз-ўзидан моддий ёрдам ва кўмакка мухтож оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш анча мақсадли амалга ошади, эндиликда тўпланган мавжуд тажриба ҳамда ушбу методикани янада такомиллаштириш мақсадида юртбошимиз томонидан ҳар | бир маҳалла, шаҳар, туман ва вилоят кесимида аёллар ва ёшлар масалалари бўйича янги иш тизими жорий этилиши, яъни "Темир дафтар" ва "Аёллар дафтари" ҳамда "Ёшлар дафтари"га киртилган фуқаролар билан "Фуқаробай" ишлаш гоёси илгари сурилди. Уларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ишсиз аёллар ва ёшлар киритилади. Бунинг натижасида улар билан тизимли, аниқ манзилли, устувор мақсадли иш йўлга қўйилади.

Шу билан бирга, "Фуқаробай" тизим жамият ҳаётига эндигина кириб келаётган, нима қилишини билмай, маблағ топиш ва ўз оиласига фойдали бўлиши учун ўзини ҳар кўчага ураётган, узоқ муддат чет элларда огир қора меҳнат юкига бош эгишга мажбур бўлган ва уни кўтарган, қийинчиликлар чегарасидан ўтолмай, не-не машаққатлар билан юртимизга қайтиб келиб, қайтарзда ишга бош уришни билмай турган ёшларимиз учун ҳам бахтли ҳаёт қуриш, янги ҳаётни бошлаш механизмидир.

Шунингдек, "Фуқаробай" тизим одам савдоси қурбони бўлган, оилавий зуравонликни бошидан кечирган, ажрим ёқасига келиб қолган, ижтимоий ва психологик реабилитацияга мухтож, жамият ҳаётига фаол киришишни истаган, ижтимоийлашув, фаоллашувга эҳтиёжи катта бўлган, жамият учун фойдали бўлишни истаган барча фуқаролар учун давлат томонидан таъминланган, манзилли ҳамда мақсадли ҳимоя механизмидир.

"Фуқаробай" янги тизимини жорий этиш орқали юртимизда кўпчилик аҳоли камбағаллик дардидан холос бўлади, чек қўйилади, уларнинг олди олинади, фуқароларга фаровон яшашлари учун янги имкониятлар яратилади, оилалар таъминоти яхшиланади, турмуш тарзи юксалади.

Бунинг учун айти вақтда республика бўйича гуруҳлар тузилди. Мана шу "Фуқаробай" тизимини жорий этиш жараёнига жалб этилган мутахассислар ва масъуллар уйма-уй юриши, ҳар бир хонадонга кириб бориши орқали фуқаролар билан мулоқот килиб, уларнинг эҳтиёжлари, қизиқишлари, орзу ва умидлари, истакларини аниқлаши, уларни сўровномага | киритилиши назарда тутилади.

Фуқаробай ишлаш тизимида "Аёллар дафтари"га ҳар бир ҳудудда истиқомат қилаётган, 30 ёшдан ошган, ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлаш, билим ва касб ўрганишга, моддий таъминотга эҳтиёжи бўлган,

шунингдек, бандлиги таъминланиши керак бўлган барча хотин-қизлар киритилади. "Ёшлар дафтари"га эса 18-30 ёшли йигит ва қизлар киритилади, ушбу фуқаролар билан яқка тартибда ишлар амалга оширилади.